

Ижтимоий тармоқларда жойлаштирилган мақола юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

2022 йил 24 майда SUNTRONIX Миллий банкни **559 минг** долларлик тендерни ютиб олади. Уни тендердаги ягона рақиб "Full Stack Solutions". Протоколдаги ғолиб SUNTRONIX, лекин шартнома **"Full Stack Solutions"** билан тузилган.

2022 йил 6 майда "ТИФ Миллий банки" АЖ бошқарув панели ва ҳисоботларни ишлаб чиқиш хариди бўйича жами бошланғич нархи **562 512,00 АҚШ** долларга энг яхши таклифларни танлаш ўтказиши тўғрисида эълон давлат харидлари электрон тизимига **78920-сон** лот жойлаштирилган.

Ушбу танлашда иштирокчиларнинг таклифларни қабул қилишнинг охириги куни 13 октябрь этиб ҳамда ғолибни аниқлаш **"балл усули"** орқали амалга оширилиши белгиланган (бунда техник қисмнинг миқдорий кўрсаткичи 70 ва нарх усулининг миқдорий кўрсаткичи 30).

Мазкур танлашда **2 нафар** иштирокчи, яъни - **SUNTRONIX PTE. LTD** (Сингапур) (559 800,0 АҚШ долл) ва **"FULL STACK SOLUTION" МЧЖ** (556 000,17 АҚШ долл) иштирок этган.

Танлаш натижасига кўра харид комиссия томонидан SUNTRONIX PTE. LTD компанияси **99,8 балл** (техник қисми 70 балл ва нарх қисми 29,8 балл) билан ғолиб ва **"FULL STACK SOLUTION" МЧЖ** **98,9 балл** (техник қисми 68,9 балл ва нарх қисми 30 балл) тўплаб захира ғолиб деб белгиланган.

Бироқ, ғолиб томонидан шартнома тузишни рад этилганлиги сабабли шартнома тузиш ҳуқуқи захира ғолиб **"FULL STACK SOLUTION" МЧЖ**га ўтган. **"ТИФ Миллий банк" АЖ** ва **"FULL STACK SOLUTION" МЧЖ** ўртасида 2022 йил 15 июлда **6,2 млрд.** сўмга 1/OY-FSS-сон шартнома тузилган.

Маълумот учун, Қонуннинг 63-моддасига кўра ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.